

ТЕЗ БУЗИЛУВЧАН ЮКЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА СОВУТИШ
ОМБОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ.

Ташматова Муқаддас Садирходжаевна

Тошкент давлат транспорт университети,

Катта ўқитувчи

Аннотация. Мақолада бугунги кунда тез бузилувчан юкларни ташишда совутиш омборларининг аҳамияти, уларнинг асосий параметрларини яхшилаш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек мева ва сабзавотларни етказиб беришда чегаравий босқичлари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Калит сўзлар. Тез бузилувчан юклар, темир йўл, совутиш омборлари, етказиб бериш занжири, узлуксиз совутиш занжири.

**The importance of developing refrigerated warehouses in the delivery of
perishable goods**

Tashmatova Mukaddas Sadirkhodjaevna

Tashkent State Transport University,

Senior lecturer

Annotation. The article discusses the importance of refrigerated warehouses in the transportation of perishable goods today, the issues of improving and refining their basic parameters. Border stages in the supply of fruits and vegetables were also reviewed and analyzed.

Keywords. Perishable goods, rail, refrigerated warehouses, supply chain, continuous cooling chain.

Бугунги кунда юкларни етказиб бериш тизимидаги мавжуд муаммолардан ташқари мева ва сабзаёт маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш учун қўллаш мумкин бўлган логистика объектларининг етарли даражада ривожланмагани кузатилмоқда. Мева ва сабзаёт маҳсулотларини ташиш технологияси ва шароитлари ортиш-тушириш операцияларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

Хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омбор ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборни модернизация қилиш, музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 632 минг тоннага етказиш ва 1000 та янги иш ўрнини яратиш¹.

Совутиш омборларида ортиш-тушириш фронтлари параметрларининг рационал қийматларини танлаш орқали етказиб бериш узлуксиз тизимида мева ва сабзаёт маҳсулотларини етказиб бериш жараёнини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Совутиш омборлари юкларни ишлаб чиқарувчидан сўнгги истеъмолчига етказиб бериш логистика занжирининг муҳим элементи саналади. Шунингдек, улар узлуксиз совутиш занжирининг элементи (УСЗ) сифатида тез айнидиган юкларни сақлаш ва қайта ишлашда меъёрий ҳарорат-намлик режимини сақлашда муҳим ўрин тутаяди.

Мева ва сабзаёт маҳсулотларини сақлаш шароитларига қуйидагилар киради:

- совутиш омборининг ҳарорати;


¹2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

- ҳавонинг нисбий намлиги;
- совутиш омборининг санитар ҳолати;
- рефрижератор вағони, контейнер ва автотранспортнинг санитар ҳолати;
- мева ва сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш ва топширишда уларнинг сифат кўрсаткичлари;
- вентиляция тизими;
- ҳаво айланиши тизими.

Узлуксиз совутиш занжири бўйлаб мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда мазкур режим сақланиши зарур.


Шундай қилиб, агар совутиш омборида ҳар хил турдаги юклар сақланса, юкларнинг ҳар бир тури учун алоҳида совутиш камераларини кўзда тутиш ва уларда муайян ҳароратни доимий равишда сақлаш лозим [13, 14, 26, 30].

Мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш занжирининг асосий вариантлари 1-3 –расмларда келтирилган.



1-расм. Мамлакат ичида корхонада қайта ишланмаган мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш занжиридаги совутиш омборлари:

- а) тўғридан-тўғри етказиб бериш занжири; б) совутиш омборига эга занжир; в) логистика терминали ва совутиш омборига эга занжир



2-расм. Муайян давлатда ишлаб чиқарилган (фермерлик корхонасидан хом ашёни етказиб бериш) ва қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарининг тайёр маҳсулотини совутиш омборлари орқали дўконларга етказиб бериш занжири


1 ва 2-расмда: ФХ – фермер хўжалиги; ХС – совутиш омбори; М – дўконлар; ЛТХС – совутиш омборининг логистика терминали; СПП – озиқ-овқат саноати омбори; ТХС – савдо совутиш омбори.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини чет мамлакатларга етказиб бериш тартиби, мамлакат ичкарасида етказиб бериш тартибига деярли ўхшаш, фақат чегараолди (божхона) совутиш омбори қўшилади.

1,2,3 расмларни таҳлил қилиш натижасида етказиб бериш занжирида омборларнинг ҳар хил турлари мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин:

- бирламчи қайта ишланган озиқ-овқат хом ашёлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда корхонанинг тайёр маҳсулотлари омбори (тайёрлаш совутгичлари);

- юк тушириш ва қайта ортиш омбори – тез айнидиган юкларни бир турдаги транспорт воситасидан бошқа турдаги транспортга қайта юклашга мўлжалланган совутгичлар (айрим ҳолларда у ерда юклар вақтинчалик сақланади).



3-расм. Чет элга юкларни ташиш занжири: а) озиқ-овқат саноати корхоналарида қайта ишланган; б) озиқ-овқат саноати корхоналарида қайта ишланмаган

- тез айнидиган юклар оқимини мамлакатнинг бошқа ҳудудларига етказиб беришга мўлжалланган совутиш омборларига эга логистика терминаллари;

- тез айнидиган юклар оқимини магистрал транспортдан чакана савдо тармоғига етказиб беришга мўлжалланган савдо совутиш омборлари;

- агросаноат комплекси корхоналаридаги қишлоқ хўжалик хом ашёлари омборлари, бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёни бошланади;

- озиқ-овқат саноати корхоналаридаги тайёр маҳсулотлар совутиш омборлари;

- чакана савдо корхоналаридаги совутгич-омборлари;

- божхона совутиш омборлари ва вақтинчалик сақлаш божхона совутгич-омборлари.

Совутиш омборларининг роли ва ўрнини таҳлил қилишда уларни қуйидаги турларга таснифлаш мумкин:

-қандай мақсадга йўналтирилганлигига кўра;

-қайта ишланаётган юклар турига кўра;

-ҳажми ва ўлчамларига кўра;

-юкнинг етиб келиши ва омбордан юкни жўнатиш транспорти турига кўра;

-қурилиш қисмининг тури ва конструкциясига кўра;

-техник жиҳозланганлик ва юкларни омборлаштириш технологиясига кўра.

Узлуксиз етказиб бериш занжирини (УЕБЗ) ўрганиш жараёнида мева ва сабзаёт маҳсулотларини етказиб беришнинг чегаравий босқичлари аниқланди [13, 14, 26, 30].

1. Мева ва сабзаёт маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш занжирининг асосий вариантлари

2. Ортиш-тушириш ва транспорт-омбор ишларида УЕБЗнинг чегаравий босқичларини таҳлил қилинди ва у ёки бу номувофиқликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

3. Ортиш-тушириш ва транспорт-омбор ишларида чегаравий босқичларни аниқлаш, оқибатларнинг аҳамиятини баҳолаш орқали мева ва сабзаёт

махсулотларини етказиб бериш жараёнидаги кутилмаган харажатлардан қутулиш имконини берадиган сабаблар аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Turdimatov O.S. Ortish - tushrish ishlarini kompleks mexanizatsiyalash va avtomatizatsiyalash. O'quv qo'llanma. Toshkent, - "Aloqachi" –2007 й.–236 бет.

2. Белозеров Г.А., Большаков О.В. Системный анализ непрерывной холодильной цепи // Пищевая промышленность, 2007, №4 4. Колодязная В.С., Румянцева О.Н. Проблемы и пути развития холодильной технологии пищевых продуктов. //Известия СПбГУНиПТ.- 2008 №1.

3. Журабоев К.А. Определение параметров холодильных терминалов для отгрузки плодоовощной продукции на железнодорожный транспорт / К.А. Журабоев // Известия Петербургского университета путей сообщения, 2012. – Вып. 3 (32). – С. 59-66.

4. Илесалиев Д.И. Влияние расположения проходов между стеллажами на показатели работы склада водного транспорта / Д.И. Илесалиев, Е.К. Коровяковский // Вестник Государственного университета морского и речного флота имени адмирала С.О. Макарова. – СПб.: ФГБОУ ВО ГУМРФ имени адмирала С.О. Макарова.– 2015. – Вып. 6 (34). – С. 52-59

5. Илесалиев Д.И. К вопросу о схеме размещения стеллажей на складе / И.Д. Илесалиев // Научно-технический вестник Брянского государственного университета. – 2017. - № 1. – С. 99-106.

6. Илесалиев Д.И. Обоснование проекта сети грузовых терминалов тарноштучных грузов / Д.И. Илесалиев // Научно-технический вестник Брянского государственного университета. – 2016. - № 4. – С. 110-116.

7. Илесалиев Д.И. Определение оптимальных значений параметров погрузочно-разгрузочного участка с помощью математических методов / Д.И.

Илесалиев // Известия Петербургского университета путей сообщения. – 2015. – Вып. 3 (44). – С. 55-63.

8. Илесалиев Д.И. Определение оптимальных параметров погрузочно-разгрузочного участка с помощью математических методов / Д.И. Илесалиев, Е.К. Коровяковский // Транспорт: проблемы, идеи, перспективы: сборник трудов LXXV Всероссийской научно-технической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых. – СПб.: ФГБОУ ВПО ПГУПС, 2015. – С. 227-233.

9. Илесалиев Д.И. Перевозка экспортно-импортных грузов в Республике Узбекистан / Д.И. Илесалиев, Е.К. Коровяковский, О.Б. Маликов // Известия Петербургского университета путей сообщения. – СПб.: Петербургский гос. ун-т путей сообщения, 2014. – Вып. 3 (39). – С. 11-17

10. Илесалиев Д.И. Анализ влияния транспортной тары на условия перевозок / Д.И. Илесалиев // Транспорт Азиатско-Тихоокеанского региона, 2017. - № 1. – С. 9-13

11. Илесалиев Д.И. Использование различных схем расположения проходов склада тарно-штучных грузов / Д.И. Илесалиев // Логистика: современные тенденции развития: материалы XIV Междунар. науч.-прак. конф. 9.10 апреля 2015 г.: мат. докл. / отв. ред. В. С. Лукинский. – СПб.: ГУМРФ имени адмирала С.О. Макарова, 2015. – С. 174-176.